



ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 181 (10.229)

2004 ЙИЛ 20 СЕНТЯБРЬ

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КЕНГАШНИНГ СЕССИЯСИ

17 сентябрь куни халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари вилоят ахлининг мамлакатимиз ривожига салмоқли улуш қўшаётганини таъкидлади. Буни азалдан меҳнатсевар, тadbиркор ва хунармандлар юрти бўлиб келган Наманганнинг енгил ва озик-овқат саноати соҳаларида, фан ва маданият масканлари фаолиятида кўриш мумкин.

Вилоятнинг иқтисодий ривожига амалга оширилган таркибий ўзгаришлар, хориз инвестициясини жалб қилиш ҳисобига ташкил этилган бир неча қўшма корхоналар муҳим аҳамият касб этмоқда. «Нестле», «Пап-Фен» сингари қўшма корхоналарни алоҳида таъкидлаш мумкин. Уларнинг махсулотлари мамлакатимизда ва қатор хорижий давлатларда аллақачон ўз харидорини топган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу билан бир қаторда, вилоятда ҳали-ҳамон эски тузумга хос иш юритиш ва бошқарув услубларидан батамом воз кечилгани йўқ. Мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, давлат мулкига, айниқса, муқаддас неъмат саналмиш ерга нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлиш, уни талон-торож қилиш, энг ачинарлиси, ошна-оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик, қонунбузарлик каби жиддий нуқсонлар учрамоқда. Юқори раҳбарлик ла-

возимларида ўтирган айрим шахсларнинг масъулиятсизлиги оқибатида маънавий муҳит ва адолат тамойилларининг бузилиши билан боғлиқ ачинарли ҳолатлар рўй берган.

Вилоятда юзага келган бундай вазият зарур чоралар кўришни тақозо этмоқда.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Тўлқин Жабборов ўз аризасига биноан Наманган вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислоҳ Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири бўлиб ишлаб келаётган Икромхон Нажмидинов Наманган вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулла, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раиси Исфандиёр Латипов, Наманган давлат университети ректори Турсунбой Файзуллаев, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдурахим Ҳамидов, Чортоқ тумани ҳокими Муродилла Ҳасанов ва бошқалар Президентимиз нутқида келтирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни ушшоқлик, ташаббускорлик ва масъулият билан адо этиш вилоят ахлининг асосий бурчи эканини таъкидладилар.

**Н.ОЧИЛОВ,
И.РАЗЗОКОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ И.Х.Нажмидиновни Наманган вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- (15-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Икромхон Хошимович Нажмидинов Наманган вилоятининг ҳокими этиб тайинланди.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 17 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Т.О.Жабборовни Наманган вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- (15-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Тўлқин Отахонович Жабборов ўз аризасига биноан Наманган вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 17 сентябрь

XXI саҳоси

Барча манбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Бремен Федерал ери бошқарувчи бургомистри, адлия сенатори Тенни Шерф раҳбарлигидаги Германия Федератив Республикаси вакиллари мамлакатимизда бўлишди.

● Тошкентда «ИСО-9001» стандарти — халқаро бозорда бизнес қилиш учун самарали йўл мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

● Бухоро вилоятининг Газли шаҳрида 750 ўринли янги мактаб ва замонавий поликлиника фойдаланишга топширилди. Ушбу иншоотлар «Бухорогазсаноатқурилиш» хиссадорлик жамиятининг жомалари томонидан олти ой давомида қуриб битказилди.

● Янгикўрган туманида маҳалла фуқаролар йиғинларида Илмий-маърифий, маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларнинг фаолиятига бағишланган ўқув семинари ташкил этилди.

● Жиззах шаҳри четидаги қаровсиз қолган бўш жойда 20 та дўкон, ошхона ва ёрдамчи бинолардан иборат янги мухташам савдо маркази қад ростлади.

● «Хазорасп» пахта тозалаш заводи» акционерлик жамияти янги ҳосил пахта толарининг дастлабки тоннасини қайта ишлади. Лаборатория таҳлилари тўқимачилик хом ашёсининг юқори сифатидан далолат беради.

Жаҳонда

● Нью-Йоркда БМТ Бош ассамблеясининг 59-сессияси ўз ишини бошлади. Анжуман катнашчилари диққат марказида терроризмга қарши курашни кучайтириш масалалари қўйилган.

● Россия Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосари Александр Торшин Бесландаги террорчилик хуружини текшириш юзасидан махсус комиссия иш бошлаганлигини билдирди.

● Житой Халқ Республикаси раиси Ху Цзиньтао мамлакат сиёсий тизimini Фарбдагига ўхшаб ислоҳ қилишга қарши эканлигини маълум қилди.

● Доғистон Ички ишлар вазирлиги республикада милиционерларга хужум қилаётган жангарилар гуруҳини аниқлашга муваффақ бўлди.

ЎЗА

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар



● **МИРЗО** Улуғбек туман халқ таълими бўлимида туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларни бажаришга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Сергели туманидаги ўрта махсус касб-хунар ўқув юртиларида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотларига етакчилар сайлаш маррасими бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Тошкент Банк ҳисоб-кредит коллежида ўқитувчилар ҳамда талабалар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Ўз уйингни ўзинг асра», «Тинчлик учун курашмоқ керак» деб номланди.

● **КЕЧА** Республика ОИТС марказида «Она-оила таянчи», «Замон сента боқмаса, сен замонга боқ» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

УЛКАН ЭЪТИБОР САМАРАСИ

«Интерконтинентал» меҳмонхонасида Халқаро футбол федерацияси уюшмалари (ФИФА) делегацияси аъзоларининг юртимиз спортини билан танишуви якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.


ФИФА халқаро спорт ҳаракатининг энг нуфузли ва оммавий ташкилоти сифатида ўз таркибига 200 дан зиёд миллий футбол федерациясини бirlаштирган. Мамлакатимиз унга ўн йил муқаддам аъзо бўлиб кирган.

—Мамлакатингизда спортни, айниқса футболни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганлиги таҳсинга лойиқ, — деди Халқаро футбол федерацияси ассоциацияси президенти Йозеф Блаттер матбуот анжуманида. — Ана шундай улкан эътибор ва ғамхўрлик самараси ўлароқ



истеъдодли футболчиларининг номини жаҳонга тобора машҳур бўлиб бораётир. Миллий терма жамоангизнинг халқаро турнирларда эришаётган муваффақиятлари бунинг яққол далилидир. Айни вақтда Ўзбекистоннинг ёшлар ва ўсмирлар терма жамоалари вакиллари ҳам халқаро мусобақаларда муносиб қатнашиб келмоқда.

Ўзбекистонда барпо этилган спорт иншоотларини бугун жаҳоннинг айрим илғор мамлакатларида ҳам учратмайсиз.



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Япония полицияси АҚШ-га учадиган рейсларни қуролланган қўриқчи самолётлар билан қузатиб боришга рухсат берди. Қўриқчилик хизмати шу йил охиридан бошлаб йўлга қўйилиши кутилмоқда. Бундай илтимос билан Вашингтон маъмурлари Токиога мурожаат қилган эди ва Япония мазкур хавфсизлик тадбири учун 2005 йил бюджетидан 77 миллион иена ажратишга қарор қилди.

● Фаластин мухторияти бошлиғи Ёсир Арофат бош вазири Аҳмад Курейни ўз вазифасида қолдиришга кўндирди. Донор давлатлар иштирокида конференция ўтказиш ва давлат тизимида ислохотлар олиб бориш тўғрисидаги ваъдаларни Ёсир Арофат бажармаётганига боис Курей истафодага чиққан эди. Арофат иқоридаги шартларни бажаришга яна бир бор ваъда берди ва Аҳмад Курей ўз лавозимига қайтиб келди.

● Бесланада шу йилнинг 1 октябргача ҳар бири 640 ўринли иккита мактаб қурилиши бошланади. Уларнинг макбул лойиҳаси танланди. Россиянинг таълим бўйича федерал агентлиги қурилиш ишларининг буюртмачиси бўлади. Янги ўқув масканлари 1-мактаб жойлашган микрорайонда, темир йўлнинг ҳар икки томонида бўлиб эتىлади.

● Токиода дунёдаги энг катта китоб кўрғазмага қўйилди. Унинг бўйи 3,07, эни 3,42 метр бўлиб, «Мазда» автомобиль компаниясининг буюртмасига биноан яратилди. Компания шу йўл билан ўзининг янги модели бўлиши «Вериса»нинг турли хил қўриқчиларини реклама қилмоқчи Кинонинг оғирлиги 350 килограмм бўлиб, унда «Вериса»нинг турли қўриқчидаги фотосуратлари мавжуд.

● Бундан бир неча кун илгари Афғонистоннинг Хирот вилояти ҳокими Исмоилхон ўз вазифасидан озод этилган эди. Қўл сонли армияга эга бўлган қўмондон Исмоилхон тарафдорлари унинг ишдан четлатилишидан норози бўлишди. Оқибатда улар бир қанча тартибсизликларни вужудга келтиришди. Хабарларга кўра, Исмоилхон тарафдорлари мамлакатдаги БМТ ваколатхонасини биносини ёқиб юбориб, Америка қўриқлаш хизмати ходимларига ҳужум уюштиришган.

● Саудия Арабистонида 3 нафар чегарачи бошидан жудо бўлди. Чегарачилар номаълум миқдордаги гиёванд моддани хизмат автомобилда олиб кетаётган вақтда қўлга олинган. Уларга гиёванд моддалари билан савдо-сотик қилиш ва давлат вазифасини суистезмол этиш айбловлари қўйилиб, ўлим жазосига ҳукм қилинган.

● Ямайкада ҳукмронлик қилаётган «Айван» тўфони оқибатида 14 киши ҳалок бўлган. Ямайка давлати деярли электр энергияси ва алоқа тизимидан бебаҳра қолган. Метеорологларнинг маълумотида, «Айван» тўфони катта тезликда Куба томон ҳаракат қилмоқда. Куба ҳукумати талофатларнинг олдини олиш мақсадида хавфли ҳудудлардан 2,5 миллион аҳолини эвакуация қилишга киришди.

Башоратчилар ҳақидаги фикрни давом эттирадиган бўлсак, уларнинг башоратлари амалга ошиши учун бир баъра қолган эди, десак ҳам хато бўлмади. Бу ташкилот доирасида минг-минглаб ҳужжатлар имзоланган, буларнинг эса натижаси кўринмасди.

Остонага етиб борган давлатимиз раҳбарини, бошқа расмий кишилар қатори, МДХ ташкилоти ижроия кўмитаси раиси В.Рушайло ҳам қутиб олди. Бир оз фурсат ўтгач, вақт анча кеч бўлиб қолганига қарамай, Ўзбекистон Президентига ажратилган қароргоҳда Ислам Каримовнинг Владимир Рушайло билан суҳбати бўлди.

Суҳбатнинг асосий мавзуи МДХ ташкилотининг келажаги ва бу ташкилотга навбатдаги раислик қиладиган давлат атрофида бўлди.

Президентимиз ҳар доимгидек ўзларининг прагматик қарашларини баён этиб, қатъиятлик билан Ўзбекистон МДХнинг сақлаб қолиш тарафдори эканини таъкидладилар ва ижроия кўмитаси раҳбаридан ушбу таклифни ҳамда бу ташкилотга навбатдаги раислиқни Россияга топшириш зарурлигини қолган барча давлатлар раҳбарларига етказиш ва уни қўллаб-қувватлашни сўрадилар.

Эртасига саммит бошланмасдан Ўзбекистон ва Россия Президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашув аввалдан тасдиқланган дастурда кўзда тутилмаган эди.

Президент Ислам Каримов нега шундай йўл тутди? Халқимизнинг бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар, нақли айнан шу бугун МДХ учун қўл келиши мумкин. Бугун барча МДХга аъзо мамлакатларда етарли даражада ўзига яраша муаммолар йиғилиб қолган. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий масалаларни четга суриб турганимизда ҳам терроризм деган бало ҳаммани ташвишга солиб турибди. Бугун бир тан, жон бўлиб ишлайдиган пайт келган. Мураккаб бўлган бу замонда салоҳияти, имкониятлари катта, иқтисодий жиҳатидан бой бўлган Россия давлатига МДХ раҳбарларини бошини қовуштира олади, ташкилот ичида ислохотларни ҳам Россия бошчилигида амалга ошириш мумкин. Ана шу нуқтан назардан давлатимиз раҳбари МДХ ташкилотига навбатдаги раислиқни Россия давлатига топшириш ташаббусини киритдилар.

Ўзбекистон томонидан тайёрланган бу хусусдаги қарор лойиҳаси бар-

ча давлатлар раҳбарлари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Ойлар, йиллар бир-бирини қувиб ўтаверди. МДХ ташкилоти асос солинишига ҳам қарийб ўн уч йил бўлди. Дастлабки йилларда тез-тез кўришиб турган давлат раҳбарлари, кейинчалик нисбатан камроқ учрашадиган бўлишди. Меҳр кўзда, деганларидек, орадан бир оз оқибат кўтарилгандек бўлди, чоғи.

Ўтган давр мобайнида МДХ доирасида уч мингдан зиёд турли ҳуж-

лоҳазаларини билдирдиларки, буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг МДХ ташкилоти тизимини ислоҳ қилиш зарур, деган мулоҳазалари билан ҳамоҳанг эди. Наतिжада кейинги йилга қадар ижроия кўмита доимий ишчи органларини 48,2 фоизга қисқартириш бўйича таклиф ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Остона саммитини Россия телеканаллари эринмай, жуда батафсил ёритишди. Барча мамлакатлар учун, айниқса, Беслана воқеаларидан кейин бу давлат учун долзарб бўлган терроризмга қарши кураш мавзуи барча эшиттиришларнинг диққат марказида бўлди. Барча ахборот дастурларида Президент Ислам Каримовнинг «Бугун биз фақат террорчиларнинг ўзлари билан кураш олиб бормоқдамиз, бунинг самараси кам, бугун уларни молиявий томондан таъминлаётган, террорчиларни тайёрлаётган марказларга қарши кураш олиб бориш зарурлиги ҳамда МДХ доирасида экстремистик ташкилотлар ва террорчиларнинг рўйхатини тузиш» тўғрисида билдирган фикрлари телевидение орқали тўғридан-тўғри олиб кўрсатилди.

Айнан шу фикрлар деярли барча Россия газетлари ва Интернет саҳифаларининг кечаги сонларида ҳам ўз аксини топди. Йиғилишда ҳам Президентимизнинг терроризмга қарши курашда МДХ доирасида ҳамкорликни кучайтириш лозимлиги ҳақидаги фикрлари саммит иштирокчилари томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

Саммит ишида Ислам Каримов 1994 йилда МДХга аъзо мамлакатлар раҳбарлари томонидан имзоланган эркин савдо ҳудудини яратиш тўғрисидаги битимнинг амалда ишламаётганига эътибор қаратиб, давлатлар раҳбарларини бу соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга чорлади. Иқтисодий интеграция йўлга қўйилса, барча давлатлар олдида турган муаммоларнинг ечими топиларди, деди.

Ўзбекистон Остона саммитидан қониқиб ҳосил қилди. Биз томондан киритилган барча таклифлар тўла қўллаб-қувватланди. Демак, мамлакатимизнинг МДХ доирасидаги нуфузи, обрў-эътибори яна бир қарра юксалди, дейишга тўла асос бор. Қолаверса, МДХнинг келажаги йўқ, деган башоратлар саробга айланди.

Аброр ҒУЛОМОВ,
«Жаҳон» АА шарҳловчиси.

Саммитдан кейинги қўлар

МДХ ТАШКИЛОТИНИНГ ИСТИҚБОЛИ БОР

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларнинг навбатдаги йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Айтиш мумкинки, у самарали бўлди ва МДХ ташкилотини бундан бўён, жилла курси, шу алфозда сақлаб қолишга шубҳа қилаётган айрим савдатчилару экспертларнинг башоратларини пучга чиқарди. МДХ давлатлари раҳбарларининг Остона йиғилишини ҳеч иккиланмай тарихий саммит деб аташ мумкин. Чунки унда МДХ ташкилотининг келажаги борлиги эътироф этилди.

жатлар имзоланди. Бу ҳужжатларнинг айримлари деярли ишламаяпти, десак биз давлат баҳсашувчилар кам топилса керак. Агар бу битимлар-у қарорларнинг барчасининг ижроси таъминланганда эди, МДХ ташкилотининг жаҳонда тенги бўлмасди. Афсуски, ундай бўлмади. Сўнгги ўн йилликда дунё кескин ўзгарди, ҳаёт ўзгарди, одамлар ўзгарди. 1991 йилда қабул қилинган МДХ ташкилоти Низоми эса ўзгармади.

Давлатимиз раҳбарининг навбатдаги таклифи МДХнинг истиқболи тўғрисида бўлди. Президентнинг таъкидлашларича, МДХнинг шаклини яратиш лозим. Унга кўра, МДХ ташкилоти ўзига аниқ-равшан бўлган йўлни белгилаб олиши даркор.

Шу ўринда Президент Ислам Каримов Европа Иттифоқи моделини мисол қилиб келтирди, ташкилот ичида ислохотлар ўтказишда бу Европа ташкилотини намуна қилиб кўрсатиш мумкин, деди. Ташкилотнинг истиқболда самарали натижалар берадиган фалсафасини ишлаб чиқиш зарурлигини қайд этди.

Остона саммити ишида МДХ ташкилотининг тизими танқид қилинди. Давлат раҳбарлари кенгашидан ташқари, ҳукуматлар, ташқи ишлар вазирлари, муҳофаа вазирлари ва қатор бошқа кенгашлар фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, Иқтисодий суд, Давлатлараро статистика кўмитаси ва шунга ўхшаш ўнлаб кўмита-у комиссиялар ишлаб турибди. Бу тизимларнинг самараси ҳеч бир ишда кўринмаяпти. Давлат раҳбарлари бу хусусда ўз фикр-му-

Тошкентдаги Марказий офицерлар уйда «Миллий истиқлол ғояси ва армия» мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Муҳофаа вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда алоқадор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ва академиялар, олий ҳарбий билим юртлари вакиллари иштирок этди.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА АРМИЯ

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда замонавий профессионал армия шаклланиб бораётгани таъкидланди. Миллий истиқлол ғояси ҳаётимизга, армиямизга чуқур сингиб бормоқда.

Миллий истиқлол ғояси энг аввало ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, ёшлар қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини сингдиришдек олижаноб мақсадга хизмат қилаётир. Жангчиларимизда она-юртимизга муҳаббат ва садоқат, юксак маънавий фа-

зилатлар, аёло жанговар тайёргарлик, Ватанини ҳимоя қилишга шай туришдек ажойиб фазилатлар шаклланишида бу ҳаётбахш ғоянинг аҳамияти каттадир.

Анжуманда республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Қ.Аъзамов, Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти ди-

ректори Қ.Назаров, «Оила» илмий-амалий маркази директори В.Каримова ва бошқаларнинг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг ҳуқуқий омиллари, уларда ҳарбий-ватанпарварлик ғоясини шакллантиришда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг роли ва ўрни, миллий истиқлол ғоясини ёшлар қалбига сингдиришнинг психологик жиҳатлари, миллий истиқлол ғояси — Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили каби мавзулардаги маърузалари тингланди.

Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

Транспорт

МАЖМУАВИЙ
ДАСТУР —
АМАЛДА

Тошкент шаҳрида йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича шаҳар йўловчи ташиш транспорти ишини барқарорлаштиришнинг мажмуавий дастурини амалга ошириш борасида кўп ибратли тadbирлар кўришмоқда. «Тошшаҳарйўловчитранс» акционерлик компаниясининг бу соҳадаги фаолияти ҳам самарали бўлмоқда.

Шу йилнинг ўзига 8 та янги транспорт йўналиши йўлга қўйилди. Туртта йўналиш эса «теззорар» тартибда хизмат кўрсатмоқда.

Йўловчиларга қулайлик туғдириш учун 30 га яқин транспорт йўналишининг қатнови ўзгартирилди. Қўшимча равишда яна 10 та бекат ташкил этилди.

«МЕРСЕДЕС-
БЕНЦ»ЛАР ЯНА
КЎПАЯДИ

Пойтахтимиз аҳолисига намунали транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида четдан келтирилган автобуслардан унумли фойдаланилмоқда. Германияда ишлаб чиқарилган «Мерседес-Бенц» русумли автобуслар ҳам йўловчиларга ёқиб қолди.

Шу сабабли ҳар томонлама қулай ва қўрқам бўлган бу хил транспорт воситаларидан яна бир нечасини Тошкентга олиб келиш тadbирлари кўришмоқда. Шу йилнинг ўзига шаҳар аҳолиси «Мерседес-Бенц Конекто-0345» русумли автобуслардан яна 300 дан ортигига эга бўлди.

Яқин орада пойтахт кўчаларида «ДЭУ-120» русумли автобуслар ҳам қатнай бошлайди. Жанубий Корея билан тузилган шартномага кўра уларнинг айрим нусхалари тажриба синовидан ўтаётир. Шунингдек, «Ситаро» автобусларини ҳам қатнови йўлга қўйилади.

ЛАБОРАТОРИЯ
ИЗЛАНИШЛАРИ

Тошкент метрополитенда техника ижодкорлиги кенг йўлга қўйилмоқда. Бу эса турли зарур эҳтиёт қисмларини ўзинида қўллаб тайёрлаш имконини бераётир.

Ер ости темирйўлининг металллар лабораториясида амалга оширилган янгилликлар ҳам эътиборни ўзига тортади. Лабораториянинг Тошкентдаги «Электроаппарат» заводи билан ҳамкорлигида «КДП-113,114» деб ном олган контакт мосламалари ишлаб чиқаришга эришилди.

Айни бир вақтда метро поезди вагонларининг автоматик ўчиргичлари бўйича алоҳида стенд намунаси яратилди. Шунингдек, эшик механизмларини сақлашга оид мосламалар ишлаб чиқилди.

Ақбар АЛИЕВ

Шу йилнинг декабрида мамлакатимизда демократик жараёнларни янада ривожлантириш борасида катта аҳамиятга эга воқеа рўй беради — икки палатали парламент, вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари кенгашларига сайловлар ўтказилади. Уларни ташкил этиш ва ўтказиш борасида очиқлик, ошқоралик ва транспарентликни таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари ҳамда бу соҳадаги жаҳон тажрибасини ўрганиш Бухорода ўтган халқаро семинарнинг мавзуси бўлди. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан ташкил этилди. Семинарда халқаро экспертлар ва халқаро ташкилотлар, Украина, Ҳиндистон, Козогистон, Индонезиянинг турли жамоат ҳамда давлат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, хорижий дипломатлар иштирок этди.

Семинарнинг Бухоро шаҳрида ўтказилгани бежиз эмас. Бу нафақат пойтахтимизда, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сайловчиларнинг фаолашайтганидан далолатдир.

Бўлажак сайловлар тамомилан янги асосда ўтади ва ҳуқуқий демократик давлат курилиши йўлида яна бир муҳим қадам бўлади, деб таъкидлади семинарни очар экан, Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев. Мустақилликка эришганимиздан сўнг Ўзбекистон сиёсий тизимида жиддий ўзгаришлар юз берди. Мамлакат тарихида биринчи марта Президент сайланди, вакиллик ҳокимиятини шакллантиришнинг дунёда энг демократик тизими, давлат ва ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Сўнгги вақтда қабул қилинган қонунлар сайлов жараёнини тартибга солиб, демократия тамойилларига қатъий амал қилишга асосланади ва халқаро меъёр ҳамда стандартларга тўлиқ жавоб беради.

КУЧЛИ
ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИ
САРИ

Бугунги кунда Ўзбекистонда демократик сайловлар ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Семинарда иштирок этган ЕХХТ Демократик институтилар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Европанинг етакчи эксперти Николлай Вулчанов дуненинг ривожланган мамлакатларида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда қўлланадиган халқаро меъёрлар ва стандартлар ҳақида баътафсил маълумот берди. Ҳиндистон, Козогистон, Украина ва бошқа мамлакатлардан келган экспертлар семинар катнашчиларини ўз мамлакатларида демократик асосда сайлов кампаниясини ташкил этиш борасидаги тажриба билан таништирди.

Ҳиндистонлик эксперт, Ҳиндистон Молия институти бизнес

мактаби директори Аман Агарвал декабрь ойида Ўзбекистонда ўтказиладиган сайловлар Президент Ислам Каримовнинг кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ўтиш ҳақидаги тамойилнинг амалий ижроси эканлигини таъкидлади. Икки палатали парламентнинг шакллантирилиши — ижобий қадам, бугун дунёдаги энг етуқ демократик давлатлар шундай тизимга эга.

Украина Фуқаролик жамияти

муаммоларини тадқиқ этиш маркази мувофиқлаштирувчиси, эксперт Андрей Мишининг фикрича, Ўзбекистонда демократик сайловларни ўтказиш учун мустақам ҳуқуқий база яратилган. Ўзбекистонда демократик тамойилларни қўллашнинг кўп асрлик тажрибаси мавжуд. У маҳалла каби ижтимоий институт томонидан яратилган. Бугун бу жараёнда сиёсий партиялар ва бутун жамият иштирок этмоқда. «Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз бошқа мамлакатларда сайловлар қандай ташкил этилиши билан танишмоқдалар. Айни пайтда, аминманки, Ўзбекистоннинг демократик курилиш борасидаги тажрибаси хорижий мутахассисларга ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда», — деди А.Мишин. Яқин орада бу соҳада тажриба алмашиш билан шугул-

ланадиган Ўзбекистон-Украина қўшма жамоатчилик тузилмасини ташкил этиш режалаштирилган.

Ҳар бир мамлакат демократияни шакллантиришда ўз услубига эга, деб таъкидлади семинарда иштирок этган Индонезиянинг республикаимиздаги элчихонаси маслаҳатчиси Сунарти Ихванто хоним. Чунончи, Ўзбекистон мустақилликка эришган, танлаган демократик фуқаролик жамияти куриш йўли миллий маданият ва анъаналарга ҳамда мамлакатда мавжуд сиёсий тизимга асосланган. Индонезияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам бу жараёни давлат сайлов комиссияси мувофиқлаштиради. Унинг таркибига профессионал мустақил экспертлар кириди. Комиссия ўз фаолиятини қонунчилик, ҳамжихатлик, ошқоралик ва адолат тамойиллари асосида олиб боради.

Семинарда қайд этилдики, Ўзбекистонда сайловларнинг демократик тамойиллар асосида, мамлакатимиз ва бошқа давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши юртимизда кучли фуқаролик жамияти куриш сари қўйилган муҳим қадам бўлади.

Анжуман кизгин мунозара руҳида ўтди. Турли фикр ва мулохазалар билдирилди.

Сайловга бағишланган яна қатор анжуманлар ўтказилиши мўлжалланмоқда. Улар ҳам дўстона мулоқот ва кизгин фикр алмашувлар руҳида ўтишига ишонамиз.

А. ИВАНОВА,
И. САФАРОВ,
ЎЗА мухбирлари

Қиш тайёргарликни ёкитиради

ЙЎЛОВЧИЛАР
ХИЗМАТИГА ШАЙ

Ҳадемай кузнинг ёгин-сочинли кунлари бошланади, унинг ортида эса кумуш киш турибди. Киш бошқа фасллардан фарқли ўларок, алоҳида жиддий тайёргарликни талаб этади. Кишнинг қишлоқ кунлирига шахримиздаги барча соҳа ходимлари пухта ҳозирлик кўрадилар.

Жумладан, «Тошшаҳарйўловчитранс» акционерлик компанияси тасарруфидидаги 2519-автокорхона жамоаси ҳам ўз зиммаларидаги масъулиятли вазифа — кузги-қишки мавсумда аҳолига намунали хизмат кўрсатиш, яъни йўловчиларни қўзғалган манзилларига бехатар етказиш мақсадларини қўзғалган ҳолда режалар сай-ҳаракатларни амалга оширмоқдалар.

Мазкур корхонада бугунги кунда — 150дан ортик «Мерседес-Бенц» ва «Лаз» русумли автобуслар мавжуд бўлиб, уларни 2004-2005 йилги қишки мавсумга тайёрлаш ишлари белгиланган режа бўйича амалга оширилмоқда. Хайдовчилар, биринчи навбатда қишда илк бор ишлайдиганлар билан алоҳида қўшимча йўриқномалар ўтказилмоқда. Автокорхонадаги ишлаб чиқариш, маъмурий бинолар, цехлар таъмирланди, жумладан иссиқлик тизими қайтадан ўтказилди, ёнилги қўйиш шохобчаси ҳам мавсумга шай.

Масъулиятли паллада ишлатиш мақсадларида туз ва кум захиралари, шунингдек, 60 тонна мазут ёнилгиси тайёрлаб қўйилди. Автотранспорт воситаларидаги 400 та автошиналар янгиларига алмаштирилди. Шунингдек, 40 та автобусга янги олд ойналар қўйилди ҳамда 40 та эшиклардаги ойналар янгиланди.

Ҳар куни автокорхонадан 11 та йўналиш бўйича тонг саҳардан пойтахтликлар ва меҳмонлар хизматидаги автобуслар тизими йўлга отланади. Корхона хайдовчилари жорий йил бошидан 8 ойлик кўрсаткичлар бўйича 23539,4 минг йўловчи ташиб, режани 102,7 фоизга бажардилар, жамоа эса йўловчи ташидан 1744183 сўмлик соф фойда олишга эришди.

Автокорхонанинг 24-, 19-, 103-, 96-, 21-автотуш йўналишлари намунали хизмат кўрсатувчилар сифатида тан олинган. Масалан, 24-йўналиш сардори Баҳодир Мақсудов, хайдовчилардан Равшан Аҳмедов,

19-йўналиш сардори Абдусаммад Абдуқодиров, хайдовчи Шохруҳ Мухоммедов, 21-йўналиш сардори Тохир Қодирқулов, хайдовчи Равшан Тиллаев, 4- автобусда эса 36 йиллик иш тажрибасига эга, меҳнат фахрийси йўналиш сардори Ҳажим Шокаримов, хайдовчи Тимур Исоқбоевлар жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар, малакали, ғайрат-шижоатли хайдовчилар жамоада



обру-эйтибор қозонмоқдалар. Жумладан, 36 йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали, хушмуомала чиптачи Анна Чикиринанинг меҳнатлари муносиб тақдирланди, у жорий йилда «Хизмат кўрсатган транспорт ходими» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Аҳилик, ҳамжихатлик бор жойда ишда унум, барака бўлади. Айниқса, корхона раҳбари тadbиркор, янгилликка ўч, ташаббускор бўлса жамоанинг бахти. Киш мавсумигача корхонада ишчи-хизматчилар учун дам олиш хонаси қурилмоқда, шу ернинг ўзига уларни иссиқ тушиқ, кечки



овқат билан бепул таъминлаш режаларини амалга ошириш мақсадида корхона маъмурияти қатор тadbирларни амалга ошириш мақсадларида саъй-ҳаракатлар қилмоқда. Бундан ташқари, яқинда «Гулзор» маҳалласига қираверишда корхонанинг аҳолига намунали маъмурий хизмат

кўрсатувчи мажмуаси ҳам фойдаланишга топширилади. Тикувчилик ательеси, сартарошхона ҳамда пойабзал таъмирлаш устахоналаридан иборат мажмуа жамоа ва мазкур маҳалла фуқароларига қатор қулайликлар яратиши, шубҳасиз.

Қишки мавсум алоҳида масъулият, пухта тайёргарлик талаб этиши ҳеч кимга сир эмас, албатта. Шунинг учун ҳам бу сино даврдан фақатгина сифатли транспорт воситалари муваффақиятли ўтишини вақт аллақачон имтиҳондан ўтказган. Бу ишларда моҳир чилангарусталарнинг хизматлари таҳсинга сазовордир. Тиниб-тинчимас, юксак малакали чилангарлардан Володя Дектярёв, Геннадий Портенколар ҳамisha автобусларни кўнгилдагидай таъмирлаб, носозликларни тез фурсатларда бартараф қилишади.

Бир сўз билан айтганда, 2519-автожамлананинг аҳил жамоаси аҳолига намунали хизмат қилиб, киш мавсумини тўла тайёргарлик билан кутиб олишларига ишонамиз.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА,
СУРАТЛАРДА: «Тошшаҳарйўловчитранс» акционерлик компанияси-га қарашли 2519-автокорхонада кузги-қишки мавсумга пухта ҳозирлик қўрилмоқда.

Ҳажимжон Солиҳов олган суратлар.

Одатда босиб ўтилган ернинг захмини одам танасида кўпроқ оёқ тортади. Кўз эса ортга бир зум қараб, забт этилган масофани чамалайди: босилаж сарҳадларга нигоҳ ташлайди. Агар мўқояса жоиз бўлса, 70 йил ичда не-не масофаларни босиб ўтмади, адоги йўқ тақдирлар, кўрлашлар қолди бу йўлларда. Кўзимиз не маломатларни, зуғумларнинг гувоҳи бўлмади, дейсиз. Бугун истиқлол тонининг нури маъволаридан туриб ўша зулматли уфқларга бир кур назар ташлаганимизда Ватан, Озодлик, Хурлик, Эрк, Истиқлол тушунчаларининг нечоғлик буюк аҳамиятга моликлигини англаб етамиз.

Ватан ягона, Ватан бийибадир

УЛУҒЛАРДАН УЛУҒИМСАН...

Ватан! Туғилиб ўсан она туп-роғимиз! Сени таърифлашга қандай мўқояса, қандай ташбехлар топайлик? Айниқса, ўлкамизда Истиқлолнинг 13 йиллиги кенг мўқёсда нишонланган бир паллада Ватаннинг улугвор қиёфаси, бетакрор гўшаларига, меҳнат-каш, заҳматкаш юртдошларимиз шаънига қанчалар мақтовлар, алқовлар айтсак арзийди.

Ўтмишда юнон дойнамандларидан бири: «Хамма йўллар Римга элтади», деган экан. Файласуф алломанинг фикрини рад этмаган ҳолда айтиш мумкинки, улугвор йўллар аслида инсон кўнглидан бошланади ва яна кўнглига қайтади. Инсон кўнгли эса шундай тилсимотки у Ватан ишки, Ватан соғинчи билан сехрланган.

Бундан бир неча кун олдин яқин биродаримиз ривожланган хориз давлатларининг бирида бўлиб қайтди. Унинг айтишича, Ватанимизга қайтишга икки-уч кун қолганида, кўз олдида Она — дёримиз милт-милт ўтаверибди.

— Ишонасизми, — дейди у

тўлқинланиб, — икки кун биз учун икки асрдек ўтди. Она туп-роқни бениҳоя соғиндик. Навоий бобомиз: «Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш», дея тўғри лутф қилган экан... Самолёт зинапояларига оёқ қўйдиму, ўзимни тутолмадим... Йиғлаб юбордим.

Мана, азиз замондош, сизга Ватан сўзининг нечоғлик залворни, нечоғлик буюклиги.

Истиқлолнинг нури йўлидан дадил одимлаб бораётган Ватанимиз бугун тенглар ичра тенглиги, истиқболнинг порлоқлиги билан Марказий Осиё давлатлари орасида, қолаверса, дунё мўқёсиде эътироф этилмоқда. Яна шунинг ҳам айтиш жоизки, серкўёш Ўзбекистони-миз кейинги пайтларда МДХ доирасидаги йирик аҳамиятга молик учрашувларга мезбонлик қилмоқда. Бундан бир неча ой илгари Тошкентда Козогистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон — Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари саммити ўтказилишида ҳам ўзга-

ча маъно-моҳият бор. Халқимизда «оққан дарё оқавради», деган мақол бор. Агар мамлакатимиз тарихининг энг олис нуқточларига назар ташлайдиган бўлсак, Турон давлатлари азалдан савдо, иқтисодий, сиёсий алоқаларни олиб бурганини кўриш мумкин. Мелодий 1404 йиллар миёнасида Амир Темур давлатида бўлган испан элчиси Руи де Клавиho Сохибқирон салтанатининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида ёзар экан, ўзининг хайрат ва ҳаяжонларини яшириб ўтирмайди. Бугун биз бобомиз қурган қудратли давлатнинг оламшумул доверуғини мазий битикларидан ўқиб, ота-боболаримизнинг етук заковатига, бетимсол идрокига, ҳасос қалбига салламо дегимиз келади. Аждодларимизнинг ана шу бунёдкорлиги боис халқларимиз ҳақон айвонида ўз номи, ўз нуфузи билан танилди.

Ватанимиз ҳақида қанча кўп сўз айтсак арзийди. Унинг қадри-қиммати, шаъни учун қайғуриш ҳаммамизнинг бурчимиз. Хидирали ПАНЖИЕВ



Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Шу азиз Ватан — барчамизники

Хусусан, Республика Турк миллий-маданий марказининг «Севинч», «Истамбул», «Севда», «Нилуфар» ижодий гуруҳлари ҳам ана шундай имкониятлардан кенг фойдаланиб, ўз дастурлари, жозибдор куй ва қўшиқлари билан томошабинларга маъқул бўлаётган жамоалар қаторига кириди. Улар орасида эса маданий марказ қошида ташкил қилиниб, бугунги кунда катта ижодий ютуқларга эришиб келаётган «Мико» қизикчилар театри ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш мумкин.

Театрда асосан турт актёр фаолият юритади. Булар — Микоёл Сулейманов, Илҳом Усмонов, Алладдин Аллазов ва Малик Сулеймановлардир. Улар орасида Микоёл Сулейманов театрининг асосий ташкилотчиси, режиссёри ва сўна асарлари муаллифи сифатида алоҳида эътиборга эришган. Унинг бир қанча актёрлари муаллифи ва бош роль ижрочиси ҳам Микоёл Сулеймановдир. Бу фильмнинг номи «Ширин

булок» эди. Шундан кейин «Бурч» фильми яратилди. Иккала фильмда ҳам «Мико» қизикчилар театри актёрлари бош ролларни маҳорат билан ўйнашди.

Бугунги кунда театр актёрлари нафақат Ўзбекистон, балки Россия, Қозогистон, Қирғизистон, Туркия давлатларида яшаётган Аҳисха туркларининг фахрига айланган.

Ушбу театр Меҳр ва муруват йилда ўз муҳлислари қалбига бир олам маънавий-маданий озиқ бериб, қатор гастролларда иштирок этиб келмоқда. Дарвоқе, жорий йилда «Мико» театри ўзининг 5 йиллик тўйини ҳам нишонлади. Биз улган хамшаха юксак ижодий парвоз, улган ютуқлар тилаб қоламиз.

(Ўз мухбиримиз)

Маҳаманларга ҲАМЖИҲАТЛИК МАСКАНИ

Маълумки, мустақил Ўзбекистонимизда 130 дан зиёд турли миллат вакиллари истиқомат қилишадди. Уларнинг эмин-эркин яшашлари, меҳнат қилишлари, илм олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Улар бугунги кунда бир оила фарзандларидек тинч-тотув ҳаёт кечирмоқдалар.

Хусусан, Яқасарой туманидаги Абдулла Қаҳор маҳалласида ҳам 30 дан ортққ турли миллат вакиллари, 4000 нафардан ортққ аҳоли ҳамжиҳатликда, қўлни-қўлга бериб эл-юрт ишига муносиб хисса қўшиб келмоқдалар.

— Маълумки, ҳар бир миллатнинг ўзига хос урф-одати, миллий анъаналари, унутулмас кунлари, байрамлари бўлади, — дейди биз билан суҳбатда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Комил Муҳамедов. — Биз шуларни доимо ёлди туриб ўзимизнинг совимли байрамларимиз қаторида қардош халқлар аъзолаган кунларини ҳам нишон-

кистон халқ артисти Нуриддин Ҳайдаровнинг «Айрончи қиз» қўшиғи шулар жумласидандир.

Салғам ИЖОДИЙ ПАРВОЗ

Республикамизда 130 дан ортққ миллий-маданий марказларининг фаолият юритаётганлигини мамлакатимиздаги барча миллат ва эллатларнинг мустаҳкам дўстлиги, бирлиги ва бирдамлигининг яққол ифодаси дейиш мумкин.

актёрлик ва олий режиссёрлик курслари юритади. Театр ижодий гуруҳининг ижро этаётган кўпгина янги қўшиқлари унинг шеърларига басталangan. Унинг бир қанча ўзбек тилида ёзган шеърлари ҳам қўшиққа айланган. Масалан Ўзбек

ларга имкон қадар моддий ва маънавий кўмак бериш борасидаги ишларимиз айтишга аризуғулқидир. Жорий йилимизнинг «Меҳр ва муруват йили» деб номланганининг ўзидек шу юрт фарзанди бўлган ҳар бир инсонни эзгу ишларга бошлайди десам адашмайман.

Шунингдек, юртимизда кечаётган ҳар бир воқеа-ходисалар ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди деб ўйлайман. Инсоният бошига бало-қазодек ёпирилиб қанча-қанча офатларни солаётган, тинч меҳнат қўноғидаги инсонларнинг бевақт ўлимига сабаб бўлаётган терроризм оқибатлари, содир этилаётган қатор хунрезликлар маҳаллалик аҳлининг ҳам қаҳр-ғазабини уйғотмоқда. «Ўз уйингни, ўз юртингни ўзинг асра!» мавзусида ўтказилаётган учрашувлар ва суҳбатларда улар сўз олиб инсон қиёфасидаги махлуқларга ўз муносабатларини билдирмоқдалар. Янада жипсрок, бир мушт бўлиб бирлашишга, сезгир ва огоҳ бўлишга, содир этилиши мумкин бўлган турли жиноятларнинг олдини олишга чақирмоқдалар.

Айниқса, ободонлаштириш, ёшлар билан ишлаш, тўй ва маросимларни ихчам қилиб ўтказиш, худудимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, кам таъминланган, боқувчиси йўқ, ноғирон ва кекса-

БУЮК НЕЪМАТ ШАРОФАТИ

Миллий маданий марказлар мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида алоҳида ўрин тутаяди. Уларнинг ҳар бири ўз миллати, урф-одати ва анъаналарини очик ва тенг равишда тарғиб этиб ривожлантириб бормоқда. Бу эса Ўзбекистонда давлат сийосатининг устувор йўналишларидан бири бўлган ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик тамойиллари ҳаётида ўз ифодасини топаётганидан далолатдир. Таъкидлаш жоизки, 90-йилларнинг бошида миллий маданий марказлар сони 12 та бўлган бўлса, бугунга келиб 130 тага етди ва энг муҳими — уларнинг бари турли миллат вакиллари учун очик.

Артур СТАМБОЛЦЯН, Арман миллий маданий марказ раиси:

— Биз кўпмиллатли, ягона оила — Ўзбекистон бирлаштириб турадиган халқимиз ва бизнинг мақсадимиз ҳам бир. Бу — тинч ва тотувликда яшашдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда 43 мингта яқин арманлар истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти ўз тили ва урф-одатлари билан бири ва шу билан бирга ўзбек тилида ҳам бемалол сўзлаша олади. Бу эса, шубҳасиз, бир-биримизга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиром белгисидир.

Алоҳида фахр билан шунини айтмоқчиманки, Ўзбекистон дерида арманлар қадимдан, Амир Темур давридан истиқомат қилганлар ва бизларда ўзбек анъана ва урф-одатлари билан кўп ўхшашликлари бор.

Бугунги кунда марказларнинг ҳар бири ўзининг миллий маданиятини ривожлантириши билан фаол экан, шу билан бирга давлат, қолаверса, ўзининг олдида қандай авлодни тарбиялаётганига масъул ва жавобгардир. Мамлакатимизда ёшларга бўлган муносабат, хусусан, бу борада миллий маданий марказларнинг фаолиятига асосланадиган бўлсақ, ушбу саволга ижобий жавоб беришга ҳақлимиз. Зеро, келажак ҳақида қайгурган халқ барҳаётдир.

Миллий маданий марказлар Наврўз ва Мустақиллик байрамларида алоҳида, йил давомида тайёргарлик қўришга одатланганлар. Бу эса тушунарли — барчамиз учун бирдай қадрли бўлган кунларни биз умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаймиз. Асосий тантаналарда иштирок этиш билан бирга, шунингдек, ўз хурсандчилигимизни Бобур номидаги истироҳат боғида ҳам намоён этишимиз анъанага айлиниб қолган. Бундан пойтахтликлар ва шаҳрликлар меҳмонлари яхши боҳабар ва шу боисдан бу сўлим гўшаларни биз умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаймиз.

Миллий маданий марказлар Наврўз ва Мустақиллик байрамларида алоҳида, йил давомида тайёргарлик қўришга одатланганлар. Бу эса тушунарли — барчамиз учун бирдай қадрли бўлган кунларни биз умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаймиз. Асосий тантаналарда иштирок этиш билан бирга, шунингдек, ўз хурсандчилигимизни Бобур номидаги истироҳат боғида ҳам намоён этишимиз анъанага айлиниб қолган. Бундан пойтахтликлар ва шаҳрликлар меҳмонлари яхши боҳабар ва шу боисдан бу сўлим гўшаларни биз умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаймиз.

Ушбу театр Меҳр ва муруват йилда ўз муҳлислари қалбига бир олам маънавий-маданий озиқ бериб, қатор гастролларда иштирок этиб келмоқда. Дарвоқе, жорий йилда «Мико» театри ўзининг 5 йиллик тўйини ҳам нишонлади. Биз улган хамшаха юксак ижодий парвоз, улган ютуқлар тилаб қоламиз.

Маҳаманларга «ТАСАННО» ФЕСТИВАЛИГА МАРҲАМАТ

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқаларни замон талаблари асосида ҳар томонлама ривожлантириш, мустақул Ўзбекистоннинг турли жабҳаларда эришаётган ютуқларини ўзга ўлкаларга кенг тарғиб қилиш, хоризий давлатлар жамоатчилигини халқимизнинг бей тарихи, маданияти, адабиёти, санъати билан мунтазам таништириб бориш фаолиятини амалга ошириб келаётган Ўзбекистон хоризий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши ташкил этилганга 7 йил бўлди. Шу кунгача Кенгаш томонидан кўплаб аҳамиятли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу йил эса Кенгаш ташаббуси билан юрти-мизда илк маротаба «Халқлар дўстлиги» шиори остида «Тасанно» номли миллий таом ва замонавий соч турмаклари бўйича йирик фестиваль ўтказилди.

Янгида ушбу фестивальга бағишланган матбуот аюқумани бўлиб ўтди. Жорий йилнинг 21-23 сентябрь кунлари Кенгаш томонидан ўтказилаётган ушбу фестиваль-мусобақага ўларнинг маҳоратларини намойиш этиш учун дунёнинг турли томонларидан энг моҳир ошпазлар ва сартарошлар тақлиф этил-

ўнлаб миллат ва эллатларнинг куй, қўшиқ ва рақсларидан яна бир бор яқиндан танишишга мўр-яссар бўлишди.

Мамлакатимиз ютуқлари ва муваффақиятлари ҳар биримизники. Биз буюк Ўзбекистоннинг бир қисминиз ва қаерда унинг байроғи хилпирамасин, бу бизга бирдай гурур ва ифтихор баҳш этади.

Тараққийтимиз, қатта-қатта орзу-умидларимиз амалга оши-шининг омилли аниқ ва аён — бу буюк маданиятимиз ва ҳам-жихатлигимиз.

Каршибой ЧУЖИЕВ, Қирғиз миллий маданий маркази раиси:

— Статистик маълумотларга қўра, Ўзбекистонда 875 мингта яқин қирғизлар истиқомат қилади. Ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқ ва маҳаллада қирғизларни учратиш мумкин ва бугунги кунда деярли ҳар бир вилоятда ҳамда Тошкент шаҳрида миллий маданий марказларимиз фаолият қилмоқда. Ўз фаолиятимизда асосий урғун анъаналаримизни, тил маданиятимизни тиклаб ривожлантиришга қаратганмиз.

Республикамизда қирғиз тилига ихтисослаштирилган 16 та умумтаълим мактаблари мавжуд. Бундан ташқари, Андижон давлат университетида алоҳида қирғиз тили ва адабиёти филологияси факультети фаолият юритаётгани биз учун фахрли, қатта имконият ҳисобланади. Ҳар ўқув йилида ушбу йўналиш бўйича биёнимизни мукаммал ўрганишга истак билдирган 15 нафар ёшлар қабул қилинади ва кейинчалик улар малакали мутахассис сифатида олий даргоҳда ола-ларга ўргатишга мушарраф бўладилар.

Ўзбек, қирғиз, қозоқ, тожик, яна бошқа миллат вакиллари азал-азалдан тинч ва тотув ҳаёт кечириб келганлар. Дарҳақиқат, бизнинг урф-одатларимиз, анъаналаримиз бир-бирига чамбар-час бўлиб кетган. Ҳаттоки, байрамларимиз ҳам анъанавий. Рамазон ва Қурбон ҳайит дейсизми, айниқса ўзига холиғи билан ахралиб турадиган Наврўзни айтмасизми. Мана энди 13 йил-

дирик халқимизнинг азалий орзу-интилишлари рўёбга чиққан Истиқлол — Мустақиллик куйи ҳам бизни бирлаштириб турибди. Биз тинч ва ёруғ осмон остида яшаб, меҳнат қилишга, севишга, бола-чақа орттириб, уларни қомил инсон қилиб вояга етказишга, Ватанимиз — Ўзбекистонни ҳимоя қилишга, унинг иқтисодий раванки туен ўз хиссамизни қўришга тенг равишда ҳақлимиз. Яхши ҳаёт кечириб, эртанги кун ҳақида қайғурмаслик учун бизга барча шарт-шароитлар яратилган ва имкониятлар очилган ҳам, эртанги авлодни ўйлаган ҳолда уллардан тўри ва самарали фойдаланишимиз даркордир.

Виктория КИСЕЛОВА, Рус миллий маданий марказининг ёшлар бўлими раҳбари:

— Бу йил биз учун кўп эсда қоларли тадбирларга бой бўлди. Хусусан, иккинчи маротаба «Тет-атр баҳори» фестивали ўтказишга имкон очилди. Бу фестивалнинг аҳамияти шундаки, унинг даврида турли хавасрок, шу жумладан ноғиронлар театрлари, шунингдек, профессионал санъаткорлар ҳам бирлашадди. Бу йилги аюқуманда 11 та театр-лар иштирок этди. Славян маданияти фестивали ҳам анъанавий тус олмақда. Умуман олганда, марказимиз фаолияти кенг ва бу борада хайрия дастурларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Улар қаторига меҳрибонлик, «Саховат» ва «Муруват» уйлари-нинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳам кириди.

Шунингдек, бизнинг мамлакатимизда катта ёки кичик миллат тушунчаси мавжуд эмас. Биз умумий уйимиз, ягона Ватанимиз — Ўзбекистон вакилларимиз. Бу давлатда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро ўз тилида сўзлашиш ва эътиқодлари бўйсунуш имкониятига эга эканлиги бу авваламиз буюк неъмат — Мустақиллигимиз шарафатидир. Мустақиллик бизга эркинлик берди, эртанги кунга нишончимизни қайтарди. Қадрдон заминимизда тинчликни сақлаш ва таъминлаш барчамизнинг бурчимиз.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Марказ фаолиятидан

БИРДАМЛИК — БАҲҚАРАРЛИК КАФДАТИ

Маълумки, ер юзидаги кўп миллирдин аҳоли ўзининг бетакрор маданий ва маърифий бойлигига эга бўлган 1600 этник гуруҳдан иборат.

Бинобарин, Ўзбекистонимиз ҳам турли миллат вакиллари истиқомат қилувчи юр-дир. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган илк кунларданок, ушбу ҳудудда яшовчи турли миллат вакиллари орасидаги тинчлик-тотувликни мустаҳкамлашни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маққамасининг 1992 йил 13 январдаги қарорига қўра Байналмилал маданият марказининг ташкил этилиши ҳам шу йўлдаги асосий қадамлардан биридир.

Мана 12 йилдики, ушбу марказ халқлар ўртасидаги кенг қамровли юмушларга ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Индан йилга марказ фаолияти кенгайиб улар қошидаги миллий-маданий марказлар сони ҳам ортиб бормоқда. Бугунги кунда уларнинг сони 134 тадан ошди. Улар фақат сон жиҳатидан эмас, балки самарали олиб бораётган ишлари билан ҳам мамлакатимизнинг кўпгина жамоат ташкилотлари орасида ўз ўрнига эга бўлмоқда.

Ўзбек ҳамда юртимизда истиқомат қилаётган бошқа халқларнинг дўстлигини мустаҳкамлашда ўзининг муносиб хиссасини қўшиб келаётган Республика Байналмилал маданият маркази турли миллат вакиллари ўртасида доимий равишда конференция, семинар ва давра суҳбатларини ўтказиб келмоқда. Миллатлар ўртасидаги маънавий муносабатларни юксалтириш йўлида «Ўзбекистон — келажакги буюк давлат», «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Тошкент — менинг шаҳрим» мавзусидаги санъат асарлари кўргазмалари шу юрда истиқомат қилувчи рус, украин, татар, уйғур ва бошқа халқлар тарихи ва маданиятига бағишлаб ўтказилмоқда.

Олиб борилаётган барча эзгу ишлардан қўзда тутилган мақсад халқлар ўртасида маданий бойликларни кўз қорачиғидек асраш ва унга нисбатан ҳурмат ва эҳтиромни ифода этиб, санъатни тарғиб қилишдир. — дей-

Шаҳризода МУҲСИМОВА

— Мирзохид Мирзахудудович, аввало иктымий шерикчилик муносивати ва унинг тамойиллари тўғрисида тўхталиб ўтсангиз.

— Иктымий шерикчилик тамойиллари амалга оширишда касба уюшмалари жамиятдаги ўзаро муносиватларнинг асоси деб биладилар.

Трипартият тамойилини, яъни давлат — тадбиркорлар — касба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорликнинг амалга оширилиши, иктымий шерикчиликнинг намоён бўлишидир. Шу билан бирга, улар давлат тўғрисидаги, ҳудудий, нодавлат, нохотирок ташиқлотларни, иш берувчилар билан ҳамкорлик, ҳуллас, меҳнатни иктымий, иктымий ва маънавий тоифа сифатида жумла қилишларнинг барчаси билан ҳамкор иш юриядилар.

Ҳам касба уюшма органилари, ҳам касба уюшмалари аъзолари унун ҳаққий майдон кенгайтиши тўғрисида доимо таъкидлаб қиладилар. Шу билан бирга касба уюшмалари иктымий адолат учун курашар экан, боқимандлик ва таъбиаллик ҳаққон илм қўймайдилар, улар касба уюшма аъзолари, меҳнатқиллар ва оила аъзоларини иктымий, иктымий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалайдиган ҳамда жумла қилайдиган ташиқлотлардир.

Иктымий шерикчиликнинг тамойилларини ривожлантириб давлатимиз қонуниларида белгилаб берилган иктымий сиёсатни ҳаётга татбиқ этиш, улар орқали аҳоли ва меҳнатқилларнинг иктымий, иктымий, ҳуқуқий манфаатларини ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишдек савобли ишлари амалга оширишдир. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси томонидан Халқаро Меҳнат Ташиқлотининг мажбурий меҳнат, иш вақтини ҳафта давомида 40 соатга қисқартириш, йиллик ҳақ тўланадиган таътиллар бериш, оилани ҳимоя қилиш, жамoa музокараларини мувоқамлаштириш, уларга қўмақлаштириш ва бошқа иктымий масалалар тўғрисидаги 11 та конвенциялар ратификация қилиниб, амалдаги қонуларда ўз аксини топган. Тошкент шаҳар касба уюшмалари Кенгаши охириги йиллардаги амалиётда иктымий шерикчилик ривожлантирилиб, Тошкент шаҳар ҳокимилиги ва шаҳар Кенгаши ўртасида 2000-2002 ва 2003-2004 йилларга аҳоли ва меҳнатқилларнинг иктымий-иктымий манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича ҳамкорлик ҳамда қилишувлар қабул қилинган. Бундан ташқари шаҳар касба уюшмалари Кенгаши ҳамда шаҳар Меҳнат ва аҳолини иктымий муҳофаза қилиш бошқармаси ўртасида меҳнат бозори ва бандлик, меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича ҳамкорлиги тўғрисида қўшма қарор тасдиқланиб, қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Бозор муносабатлари даврида иктымий шерикчиликнинг асосий белгилари берилган ва ташиқлотлардан бошланган ҳамда иш бериш ва меҳнат ҳаммаси ўртасидаги меҳнат ва иктымий масалаларга бўлган муносабатларни мувофиқлаштириш. Шунга қўра, бугунги кунда касба уюшмаларининг асосий эътибори қорхоналарда самарали жамoa шартномаларини тузишга қаратилган. Чунки, жамoa шартномаси қорхонада иш бериш билан ҳидимлар ўртасида меҳнатга оид, иктымий-иктымий ҳақ ва касба оид муносабатларни тартибга солишни асосий меърий ҳужжатдир.

— Жамoa шартномалари меҳнатқиллар манфаатларини муҳофаза қилишда муром ўрин тутувчи юридик ҳужжат ҳисобланади. Кейинги пайтларда шаҳар касба уюшмалари Кенгаши томонидан жамoa шартномаларни қорхона ва ташиқлотларда кенг татбиқ этиш юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Шаҳарда жойлашган 6795 та юридик шахс мақомига эга бўлган қорхона, ташиқлот, муассасалар рўйхатида олинди. Бундан 2623 та қорхоналарда жамoa шартномалари қабул қилиниб ва 3343 та бошланғич касба уюшма ташиқлотлари касба уюшма татбиқ этилди. Булар орқали 435 миңга яқин меҳнатқиллар манфаатлари қамраб олинди.

— Меҳр ва муруват йилида тасдиқланган дастур доирасида жамoa шартномалари қўшимча имтиёз ва қарғалар киритилди. Ишонган жамoa шартномалари орқали тасдиқланган дастурни амалга татбиқ этиш борасида меҳнатқилларнинг иктымий-иктымий муҳофазасини қўлайитириш, ҳусусан, кам таъминланган, кўп болали ҳамда ёш оналари, ногирон ва етим-есирларни, бева-бевораларни моддий ва маънавий ёрдам қўлаб-қуватлаш мақсадида бирлигини ярим йил давомида қўзда тутилган тадбирларда 238 миллион сўмдан ортқ маблағ сарфланди. Бундан ташқари, Наврўз, Қурбон байрамини арафасида кам таъминланган ёлғиз оналар фарзандларига, Меҳрибонлиги йилларига, мактаб-интернет тарбияланувчиларига меҳр ва муруват, ҳайр-эхсон ёрдамларини қўраш мақсадида шаҳар қорхона ва ташиқлотлари ҳисобидан жами 73,5 миллион сўми маблағ сарфланди.

Қорхонани иктымий-иктымий ривожлантириш, меҳнат аҳолини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари муром юридик ҳужжат — жамoa шартномасидан ўрин ағаллаши ҳамда қорхона раънабияга, меҳнат аҳоли фаровонлигига ҳисмат қилиши даркор. Меҳнатни янгилаш ташиқлот этиш, моддий манфаатдорлик ҳиссини камол топтириш, иш тадбиркорлиги билан ёқидоши муваффақият қилишга десак муболага бўлмайд.

Шу боис шаҳар касба уюшмалари Кенгаши ҳаракатдаги жамoa шартномаларининг самардорлигини ошириш ва улардаги шартларнинг бақарилишини доимий назоратга олган. Жамoa шартномаларининг бақарилиши таълими шунки қўрадики, шаҳар бўйича ҳар бир ҳидимга иш ҳаққининг оширилиши, иктымий имтиёз ва қарғалар, соғломлаштириш мақсадида меҳнат муҳофазаси йил давомида ўрта ҳисобда сарфланган маблағ 2003 йилда 114373 сўмига ташиқ олди.

Таътиллардан шу нарса маълум бўлдики, қорхона, ташиқлотларда меҳнат муҳофазаси ва соғломлаштириш ишларига қилинган сарф-ҳаражатлар олдиги йилларга нисбатан камайган. Демак, жамoa шартномаларида белгилашган ҳидимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш, уларни соғломлаштириш юза-

сидан олганган томонларнинг мажбурийлари тўлиқ бақарилмаган. Бу ўринда шунки таъкидлаб ўтиш кераки, қорхона ва ташиқлотлардаги касба уюшма қўмиталари томонидан бу мажбурийларнинг тўлиқ бақарилиши ҳақида назоратдан четда қилиб кетмоқда. Натияжада баъзи бахтсиз ҳодисалар келаётганлиги ва кузатиш мумкин. Албатта, Кенгаш томонидан бундай ҳолат муҳофаза қилиниб, келгусида бу масалаларга эътиборни қўлайитириш юзасидан қатор чора-тадбирлар ва қарорлар қабул қилиниб бошланғич ташиқлотларга юборилди ва иктымий назоратга олди.

— Иш ҳақи ва бошқа тўловлардан қарздорлиқни бартараф этиш ҳам меҳнатқиллар манфаати ҳимояси йўлидаги муром вазифалар қаторига кирядими...

— Бозор муносабатларида қанчалик чуқур қилиб борар эканми, у ўзининг шартларини бизнинг олди-

да Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 28-моддасида қўйилганга белгиланган «Иш бериувчилар уюшмаларига, ассоциацияларга ва бошқа жамoa ташиқлотларига бирлаштиришга ҳаққидир. Иш бериувчиларнинг жамoa ташиқлотлари иктымий жамoa ташиқлотларини сифатида тузиш ва иш олиб боради, уларнинг мақсади иктымий ва тадбиркорлигини ошириш, шунингдек, давлат ҳокимиёти ва бошқарува органилари, касба уюшмалари органилари билан ўзаро муносабатларда қорхоналар ва улар муқдорларининг манфаатларини ифода этиш йўли билан иктымий шерикчиликни амалга ошириш, ҳуқуқ ва меҳнатга оид муносабатлар соҳасида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир».

Республика ва тармоқлар бўйича иш бериувчилар билан муносабатларнинг тузилиши, бугун республикада ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, тадбиркорлик

риш, таълаш эркинлигини таъминлаш; касба уюшмалари аъзоси бўлишга иқдорни омилиларни қўлайитириш, касба уюшмалари ишига ташаббускор, иктымий ва сиёсий билгиларга эга, янгила филворчи ёшлар, айниқса аёлларни жалб қилиш каби қатор масалалар белгиланган, бугунги кунда касба уюшмалари уларни амалга оширишда ўз ҳиссаларини қўймоқдалар.

«Қориданги ва янги амалдаги қўлпана Қонуни ва норматив ҳужжатларга ўзгартиришлар қилиниб таълимининг инновация олиб, 1992 йилда қабул қилинган «Касба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг қарғалари тўғрисида»ги Қонунни қайта қўриб чиқиш, унга керакли ўзгартиришлар киритиш, ҳазриги давр талабига тўла жавоб берадиган ҳолатга келтириш пайти келди деб ҳисоблайман.

Касба уюшмалари фаолиятида қўзғин тўла — ҳисобот — сайлов компанияси арафасида партия бўлиб қўйилган ишлар сарҳисоб қилиниб, камчиликлар танқид остига олинди, касба уюшма ташиқлот фаолиятига муносиб баҳо берилади, иш режа белгиланади, етакчи сайланади.

Касбақўми етакчиси — меҳнат жамоясининг сайлаб қўйган вақилига эмас, унинг юз-қўзи, шакл-шаклидир. Меҳнат аҳолининг манфаатини ҳимоя қилаётган, ишчи-хизматчи сайлагани инновация шакли сифатида шакланган, том маънада сардорликка арзийдиган билимдон мутаҳассис, мустақил фикрли, ташиқлотчи, ташаббускор раҳбар даражасига қўраилган, аз назарига тушган инсон бўлмоғи керак.

Касбақўми раиси — амал эгаси эмас ёки қорхона раҳбарининг дастури ёки иттиҳорат урибосари ҳам эмас. Бундай ҳолат ҳим сурганда қорхона ва ташиқлотда касба уюшма ташиқлотларининг обрўси қайта кетганидан ташқари яқин ҳокимиёнинг зарури оқибатлари келиб қийди ва натижада демократия тамойиллари ноҳил оқибатда. Албатта, кенгаши тўли тарқалмас деганларидек, қорхона ва ташиқлотда маъмурият билан касбақўми фаолиятидаги ҳамкорлик, қатъийлик, қўлаб-қуватлаш тарафидан бошқарув — иттиҳоратнинг омили бўлиб ҳисмат қилади.

— Ёшлар бизнинг қўлаб-қуватлаш. Улар ҳамда касба уюшмалари фаолиятининг диққат-марказида бўлиб келган ва бундан кейин ҳам ҳайрли аънава давом этмоқда. Жумладан, шаҳар касба уюшмалари Кенгашининг 1998 йилда бўлиб ўтган V пленумида поиттиҳоратдаги олий ва ўрта маълум ҳуқуқ ортида маълумати муваққилларнинг тайёрлаш ва қўлаб-қуватлаш фаолиятига ёшларни қанғор қалб этиш мақсадида 1999 йилдан эътиборан 10 та stipendия тасвиси этилган эди. Ҳозирги кунга келиб, 100 нафардан зиёд ёшчи ва жамoaчи талабалар «Шаҳар касба уюшмалари Кенгашининг stipendиясининг» гувоҳнамасининг соҳиб бўлишлар. Бундай ҳайрли, эзу ниятли ишларимизни сиқидилдан давом эттирарми.

Эт соғлиги — юрт бойлиги деб бежиз айтилмайди. Меҳнат аҳоли ҳамда уларнинг фарзандларининг соғломлаштириш касба уюшмалари фаолиятидаги муром йўналишлардан биридир. Ҳозирги йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида санаторий ва дам олиш уйларида ўрт миңдан зиёд киши соғломлаштириш мақсадида қўлаб-қуватлаш ҳамда оқибатда дам олдилар. Шунингдек мазкур шифо мақсадида 3000 га яқин ишчи-хизматчи ҳамда талабалар шидан ва ўқидан арқаликам ҳолда даволандилар.

Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур. Она табиат бариди таълашлардан шаҳар қорхоналари ҳамда ташиқлотлари жоғсарубидида 28 та сўлини оромгоҳлари ва шўрмилмади ушуматлиги мақсадида негизда ташиқлот этилган 25та оромгоҳларда 35 миң 295 нафар азия болалар вази дам олиш мақсадида мазмуни хордиқ чиқардилар.

Савоҳат ҳаққимизга хос одат. Қоракўлстон республикаси меҳнатқилларининг 1256 нафар, поиттиҳоратдаги меҳнатқилларининг йилларида 700 нафар тарбияланувчилари ҳамда Чериновил фалокати орқалини бартараф этишда қанғалашганлар ва афрон воқеалари иштирокчиларининг ҳамда маҳаллардаги кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг 450 нафар фарзандлари, касба уюшмалари тасарруфидан болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг 600 нафар ўқувчилари касба уюшмаларининг иктымий суғурта маблағлари ҳисобидан сўлим оромгоҳларда бегул дам олдилар. Шу билан биргиле кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг фарзандлари унун шаҳар «Маҳалла-жамгармасига 150 дана йўлнамга бегул ақратилди.

Спорт — тинчлик элиси, саломатлик гарови, мазмуни дам олиш воситаси, соғлом турмуш тарзи сифатида касба уюшмалари фаолиятида катта аҳамиятга эга. Касба уюшмалари спорт мактабларининг тарбияланувчиларининг Ватанимизнинг спорт шарфини халқаро майдонда муносиб жумла қўлаб-қуватлашдан беҳад қўнамади ҳамда фахрланмади. «Қанот жуфт бўлади» деганларидек, спортнинг оммавийлигини, миллиятнинг жисмонан соғломлигини ҳамда худан тетиқлиги улкан натижа десак таъбиқ бўлмайд. Касба уюшмалари болалар-ўсмирлар спорт мактабларида тайёрланган биринчи разрядли спортчилар кейинги йилларда 1676 нафарга эътиборини тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар сони 50 миң нафардан зиёд қўлайиб, спортнинг оммавийлиги ошди. Спорт тўғрисида таълиқланувчилар сони 929 нафарга, спорт-соғломлаштириш гуруҳларида шуғулланувчилар сони эса 37 миң 160 нафарга қўлайиб.

«Алпомчи ва Баринчи» меърий тестларини 2003 йилда топширишда ўрта 6263 нафарни ташиқ олди. Ҳулоса қилиб айтишда, муром натижа инновация саломатлигини сақлаш, спортнинг оммавийлигини, унинг турмуш тарзимиизга айланиб бораётганидир.

Инсонга наф келтириш касба уюшмаларининг олий мақсади бўлиб, савобли ишлари сиқидилдан амалга ошириш йўлида кўн-қайратимиз, меҳнатимизни аямалим.

— Мазмуни суҳбатининг унун ташқором. Ақлам АКРОМОВ суҳбатлашди.

Мусохаба

**КАСБА УЮШМАЛАРИ:
ФАОЛИЯТИНИНГ
УСТУВОР
ЙЎНАЛИШЛАРИ**



Мустақиллик — ҳаётимизда улкан, самарали ўзгаришларни амалга ошириб, янги уфқларни, кенг имкониятларни очиб берди. Ислохот ислохот учун эмас, ислохот инсон манфаати, бахт-саодатига хизмат қилмоқда. Кишиларнинг боқимандлик қайфиятларидан халос бўлиб, жамиятдаги муносиб ўрнини тўри ағлаб етаётганлиги, мустақил фикрлаш салоҳиятининг янада юксалиб бораётганлиги — эришялаётган муваффақиятлар сирасига киряди. Ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролар жамиятини қуришда мазкур омилилар мустақам пойдевордек муром аҳамиятга эгадир. Кейинги пайтларда меҳнат аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишдек эзу мақсадлар йўлида фаолият қўрсатаётган касба уюшмаларининг ҳаётимизда тугган ўрни тобора ошиб бормоқда. Бизнинг Тошкент шаҳар касба уюшмалари Кенгаши раиси Мирзохид СОДИҚОВ билан суҳбатимиз ҳам иктымий шерикчилик тамойилларининг ривожланиши, жамoa шартномалари, умуман, касба уюшмалари фаолиятидаги энг устувор йўналишлар ҳусусида кечди.

мизга қўдалан қилиб қўймоқда. Натияжада шаҳримиздаги қўлпана қорхона ва ташиқлотлар бу шартномаларни тўлиқ бақаришга баъзи қийинчиликларга дуч келмоқда. Бу айниқса, Металлургия ва машинасозлик, Ўнги ва меъба, қўриқлиш ва қўриқлиш ашёлари саноатлари ҳамда автотранспорт ва йўл ҳўжалари соҳасида ағнағина сезиларлидир. Бу соҳаларга қарашли баъзи қорхоналар бозор шартлоларида ҳўзи ўзинларини топишга тўлиқ эришялаётган йўл. Улар ишлаб чиқаришда ва тайёр маҳсулотларни тарди қилишда муаммаларга дуч келмоқдалар. Натияжада бизнинг олдимизда қатор муаммолар, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан қарздорлик, бандлик масалалари келиб қиймоқда. Бу қорхоналарда юзага келган қийинчиликлар натижаида ҳамда янги замонавий техника-технология ўрнатилиши сабабли кўпи иш жойлари қисқартирилмоқда. Бу эса ишчилар сонининг қўлайитиришга олиб келмоқда.

Бугунги кунга келиб, бу соҳаларга қарашли 70 га яқин қорхоналарда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа тўловлардан қарздорлик мавжуд. Тошкент шаҳар касба уюшмалари қўмиталари, кенгаш ва вақилик берган маълумотларига қўра иш ҳақидан қарздорлик 4 миллиард сўмдан ортиқдир. Бу қорхоналардан 20 га яқиндан муддати ўтган қарздорлик 5-6 ойни ташиқ қилмоқда. Тошкент шаҳар касба уюшмалари Кенгаши ў фаолияти давомида шаҳар ва туман ҳокимилири, ҳўжалик раҳбарлари, касба уюшмаларининг бошланғич ташиқлотлари билан биргиле қорхона ва ташиқлотлардаги мавжуд иш ҳақидан қарздорлиқни бартараф қилиш бўйича муром ишлар олиб бормоқда. Олти ой давомида иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлиқни тўлатиш бўйича «Ҳарақат тартибига» билан 37 та иш бериувчилар олдига қўйилган расмий талабномалар орқали, 2,5 миллиард сўмга яқин иш ҳақи ундирилди. Олиб берилаётган қатор чоралар қўрилишига қарамастан, шаҳарнинг баъзи қорхоналарида иш ҳақидан қарздорлик ошиб бормоқда. Бундан ташқари бугунги кунга келиб, банк муассасаларида нақд пул миқдорининг етишмаслиги иш ҳақини ў вақтида берилишига таъсир қўрсотмоқда. Иш ҳақидан қарздорлиқни ундириш мақсадида даъво аризалари билан мурожаат қилиш борасида қатор муаммоларга дуч келимоқда. Асосий муаммо касба уюшмалари томонидан жамоянинг манфаатларини ҳимоялаб, судга мурожаат қилиш тартиби (механизмининг) йўқлиғидир. Бу масала юзасидан Федерация Кенгашига мурожаат қилинган. Лекин бугунги кунга-бу меҳанем, яъни судга мурожаат қилиш тартиби ишлаб чиқилмади. Бундан ташқари тармоқ касба уюшмалари шаҳар ташиқлотлари томонидан иш ҳақидан қарздорлиқнинг олдини олиш мақсадида тармоқ келишувларига асосланиб вазирик, ассоциация ва ҳидинг компанияларига расмий мурожаатлар қилинган. Бу мурожаатларга берилган жавоб хатларининг баъзиларида, улар қорхона ва ташиқлотларнинг ҳўжал-молиявий фаолиятларига аралашиларига ҳўқуқлари йўқлиги таъкидланган. Ҳақидан бозор муносабатларига ўтиш даврида қўлпана қорхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб, ҳўсуқлаштирилди. Яъни, улар ҳўссдорлик жамиятларига, қўшма қорхоналарга айлантилриб, юридик шахс мақомига эга бўлилар...

— Ишонинг ишонини қўзониш менимча энг буюк бахтидир. Ҳаққ шонини қўзониб ишлаш, унни оқлаш қанчалик машаққатли бўлмасин ўзининг самарасини беради, меҳнат эвазига ҳўрмат-эътиборга эришилади.

— Ёшларни қўлаб-қуватлаш, инсон саломатлигини сақлашда муром ўрин тутувчи спортни ривожлантириш, унинг оммавийлигини ошириш ҳам касба уюшмалари фаолиятига алоқида аҳамият касоб этиш табиғий.

Президентимиз Илҳом Каримов Ўзбекистон Республикаси касба уюшмалари Федерациясининг ҳурдотли иштирокчиларига йўлаган табриқларида шундай дегандилар:

«Бугун жамиятимиз олдида турган долзарб вазифа — сиёсий — иктымий ҳаётимизнинг барча соҳаларини эришялаштириш вазифаси, бошқа нодавлат ва жамoa ташиқлотлари қаторида, касба уюшмаларига ҳам улкан масъулият юқлайди».

Президентимизнинг касба уюшмаларига йўлаган мурожаатларидан келиб чиқиб, сиёсий — иктымий ҳаётимизнинг барча соҳаларини эришялаштиришда асосий вазифалар, яъни: жамиятда манфаатлар уйғултириш таъминлаш борасида касба уюшмалари ролини қўлайитириш, иш бериувчилар ва меҳнатқилларнинг барча қатламлари: ҳам давлат, ҳам нодавлат сектори ҳидимлар, ўз-ўзини иш билан таъминлаётганлар, шунингдек ишчилар, нафақахўрлар, талаба ва ўқувчилар манфаатлари мувозаъатига эришш йўлида касба уюшмалари бирдамчилиги ошириш;

иш бериувчилар уюшмаларини шакллантиришда қўмақлаштириш, касба уюшмалари органиларининг ташиқлотли тузилмасини уларга муносиб бўлган ҳўжал-лик органиларининг ташиқлотли тузилмасига мувофиқ ҳолга келтириш, директорлар кенгашилари, аёллар мажлисларининг ташиқлот этиш, бу эса жамоявий музокаралар эришялиги ва махсуддорлигини амалда таъминлаш имконини беради; жамoaчилик оғидида ўзини ўзи бошқариш қўнақ-ларини тарбиялаш мақсадида демократик қадриятлар ва жамиятдаги иктымий-иктымий тўб ўзгаришларга мос равишда касба уюшмалари ички ҳаётини янада демократлаштириш, касба уюшмалари аъзоларининг жамиятдаги фаолиятини юксалти-

Биласизми ?**37 ЙИЛ
МУҚАДДАМ
ЎЗИЛГАН
МАКТУБ**

НЬЮ-ЙОРК. Пенсильвания штатида яшовчи Дороти Орт исмли аёл қизининг 37 йил бурун ёзган табрикномасини почта орқали олишга муваффақ бўлди. Хайратланган она олдин ўз кўзларига ҳам ишонмай қизига кўнгирик қилди. Чунки конверт устидаги муҳрда 1967 йил август ойи эди-да. Қизи Жанет ҳам бунни эшитиб хайратдан ёқа ўшлади. «Ха, биз ўша пайтда турмуш ўртоғим билан тўйимизнинг 5 йиллигини нишонлаган эдик», дея эслади Жанет. 37 йил кечикиб келган табрикномадан эса америкалик хат ташувчилар ўзларидан йўқ хурсанд кўринишади. Ахир кечикиб бўлса ҳам етиб келибдику, дея ўз касбларидан фахрланишмоқда.

**ДОРИ
ДАРАЖАСИДАГИ
ГУРУЧ**

ХАНОЙ. Таиландда камқонлик касаллигига қарши гуручнинг янги нави яратилди. Кишлоқ хўжалиги вазирлигининг хабарига кўра, осеёликлар севиб истеъмол қиладиган гуруч навини кашф қилиш учун Таиланддаги 45 га яқин гуруч навлари текширувдан ўтказилган. Анемияга қарши яратилган бу янги «дори»нинг таркибиде темир моддаси кўп бўлиб, у инсон организмиде шундай модда камайиб кетса ўпайтиради, ҳатто турли хил касалликлар, шу жумладан, давосиз касалликлар пайдо бўлишининг ҳам олдини олар экан.

**ПУЛНИ ТЕЖАР
ПОЙАБЗАЛЛАР**

БЕРЛИН. Энди германияликлар оёқ кийимларига сарфланадиган пуллари тежай оладилар. Чунки, дўкон пештахталарида янги болалар пойабзаллари сотувга қўйилди. Гап шунда-ки, ушбу оёқ кийим боланинг ёши ва катта-кичиклигига қараб ўз шаклини ўзгартира олади. Америкалик ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган бу буюмларда махсус тўғмачалар бўлиб, улар босилганда, пойабзалнинг ўлчами ҳам катталашади. Болаларга эса, уларни яна қайта кийиб юриш қолади, холос.

**МАЙМУН
БОКСЧИЛАР**

ХАНОЙ. Таиланд пойтахти Банкокда икки нафар боксининг рингдаги ҳаракатлари бутун банкликларни ҳайрон қолдирди. Чунки рингда боксчилар ўрнида, қизил ва кўк иштонда 2 маймун мушталашаётган эди. Уларнинг жанги, яъни маймунлар жанги ҳар йили мунтазам ўтказилиб келинаётган бўлса-да, бу галги жанг ўта шафқатсиз, шу билан бирга жуда қизиқ бўлган эди.

Тошкент шаҳар касабә уюмалари Кенгаши ва тармоқ касабә уюмалари шаҳар ташкилотлари агроаноат мажмуи ходимлари касабә уюмалари шаҳар қўмитасининг раиси Ноила Одиловна Умаровага волидаи муҳтарамаси

МАРҲАМАТхон аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изор этади.

Сатъатнинг сезғин олами**«НАСТАРИН» ДОВРУҒИ
КЕНГ ТАРАЛДИ**

Она юртим Ўзбекистон. Истиклолинг шарофати ила бугунги кунда сени бутун дунё тан олмақда. Довругинг оламини тутмоқда. Фарзандларинг ҳар бир жабҳада олға интилиб, сенинг шаънингни улуғламоқда, мадҳингни тараннум этмоқда. Бу билан фахрланмай, қувонмай бўладими, ахир.

Жорий йилнинг 16-17 апрелида Туркия телевидениеси Анкара шаҳрида Халқаро болалар фестивали ўтказилишини эълон қилди. Ушбу фестивалда иштирок этиш учун Ўзбекистонга «Настарин» гуруҳи номига алоҳида таклифнома келди.

Биз миллий, анъанавий қўшиқларни ва ўз санъатини чет элда ўтказилган нуфузли фестивалда тарғиб этиб лауреат бўлиб қайтган гуруҳ фаолияти билан яқиндан танишишга қарор қилдик.

«Настарин» гуруҳининг бадиий раҳбари Ангелина Ли бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Биз таклифни хурсанд бўлиб қабул қилдик. Бу биз учун кутилмаган ишларда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Шайхонтоҳур тумани маданият бўлими ва ота-оналар гуруҳимизни қўллаб-қувватладилар. Шундай қилиб Туркиянинг Анкара ва Истамбул шаҳарларида ўтказилган 26-Халқаро болалар фестивалида ранг-баранг дастурларимиз билан қатнашиб, томошабинлар олқишига ҳамда фестиваль совринига сазовор бўлдик ва катта шодлик, гуруҳ билан она юртимизга қайтдик.

Таъкидлаш жоизки, «Настарин» гуруҳи Шайхонтоҳур туманидаги 23-сонли мусика мактаби қошида ташкил топган. Гуруҳнинг ҳар бир ютуғида мусика мактаби раҳбари Олим Муҳиддиновнинг улкан ҳиссаси бор. Ангелина Ли ва Олим Муҳиддинов ҳаётда ҳам умр ришталарини бирга боғлаганлар. Улар наинки ишда, балки ҳаётда ҳам маслақдош ва маслаҳатдошдирлар.

Фестивалда «Настарин» бола-

лар эстрада гуруҳи ўзбек миллий куй ва қўшиқларини 31 та мамлакатдан ташриф буюрган ёш ижрочилар ва томошабинларга тақдим этишди. Улар ижросидаги «Нахори нашта» қўшиғи фестивал ташкилотчилари ва Туркия телевидениеси ходимларига шунчалар манзур бўлдики, уни бутун дунёдан ташриф буюрган ижрочилар биргаликда қайта-қайта куйлашди. Туркиянинг энг обрўли газетаси «MILLIVET №1» «Настарин» гуруҳи ҳақида ёзиб, суратларини чоп этди.

4 ёшдан 14 ёшгача бўлган гуруҳ хонандалари Нилуфар Муҳиддинова, Малика Фатхуллахўжаева, Мадина Юсупова, Асал Казакбоева, Соҳиба Мўминова жами 9 та ижрочи қизлар Туркия Президентининг махсус совғалари билан тақдирландилар.

Ха, «Настарин» гуруҳининг довруғи оламини тутади ҳали. 2004 йил Мухтор Ашрафий номидаги республика кўрик-танловида гуруҳ хонандаси Нилуфар Муҳиддинова биринчи ўринни эгаллаган эди. 2003 йил шаҳримизда бўлиб ўтган «Санъат гўнчалари» кўрик-танловида «Настарин» гуруҳи биринчи ўринни эгаллаб голиб деб топилган бўлса, 2003 йилнинг «Ёшлар» телеканали Бош дирекцияси томонидан «Йилнинг энг оригинал болаларининг қўшиғи ижросиси» номинацияси бўйича Фаҳрий ёрлик билан тақдирланди. Настарин — бу чиройли гўнчалардан ташкил топган гулдаста. Истардикки, «Настарин» гуруҳи санъат гулшанимида ягона гулдаста бўлиб ифोरини таратаверсин. Еш ижрочиларга улкан ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

**Гулнор САТТОВА
СУРАТЛАРДА: «Настарин»
гуруҳининг фестивалдаги чиқишлари.**

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР****Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар !
«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ
БИРЖА МАРКАЗИ»****Сизларни биржа савдоларига таклиф этади
БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛГАН:**

- Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси. Бошланғич нархи – 750 000 000 сўм;
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 4-мавзе, 12-уйда жойлашган, майдони 84 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи – 2 939 110 сўм;
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмасор кўчаси, 6-уйда жойлашган, майдони 60,7 кв.метр бўлган бино қисми; бош-

ланғич нархи – 2 540 396 сўм;

- Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кири тор кўчаси, 34-уйда жойлашган, майдони 1473 кв.метр бўлган бино. Бошланғич нархи – 48 648 225 сўм;
- Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида жойлашган «Олой» бозори асосий биноси фойсисининг майдони 16,5 кв.метрга тенг бўлган 19-қисми. Бошланғич нархи – 5 775 000 сўм;
- Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, «Ҳ.Олимжон» майдони,

ғарбий томонида жойлашган «Пойтахт бизнес мажмуаси» биносининг 1-қаватидаги, майдони 16 кв.метрга тенг бўлган қисми (Ц-блоки) Бошланғич нархи — 5 841 600 сўм.

- «Руслан Шамшади» хусусий корхонаси балансида бўлган қуйидаги станоклар: — Станок СМЖ-357. Бошланғич нархи – 1 400 221 сўм, — 1Г 340 П револьверли токарлик дастгоҳи. Бошланғич нархи – 5 338 396 сўм.

Шунингдек, савдоларда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида жойлашган «Автомакон» ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудидаги, майдони 18 кв.метрга тенг бўлган дўконлар сотилмоқда. Ҳар бир дўконнинг бошланғич нархи 3 000 000 сўм.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунинда соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.
Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.
www.tshmbm.uz; Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz

Футбол

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Маълумки, айна кунларда Осиё чемпионлар лигасининг чорак финал баҳслари давом этмоқда. Унда Ватанимиз шарафини «Пахтакор» жамоаси муносиб ҳимоя қилмоқда.

Пахтакорчиларнинг Тошкентда БААнинг «Ал-Ваҳда» жамоаси билан 22 сентябрда куч синашишлари муносабати билан мамлакат чемпионати тақвимиغا ўзгариш киритилди. 25 сентябрда «Нефтчи» — «Пахтакор» ўртасида ўтказилиши лозим бўлган 18-тур баҳси 26 сентябрда қолдирилди.

ҲАКАМЛАРИМИЗГА ИШОНЧ

Кейинги йилларда нуфузли халқроқ турнирларга мамлакатимиздаги энг иқтидорли футбол ҳакамларининг ҳам жалб этилаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Маълумки, 13 октябрда жаҳон чемпионатиغا саралаш мусобақалари гуруҳ баҳсларига старт берилди. Ливаннинг пойтахти Байрут шаҳрида Ливан—Жанубий Корея терма жамоалари ўзаро куч синашишди. Қувонарлиси, ушбу учрашувни ўзбекистонлик ҳакамлар Равшан Эрматов, Арслон Хотамов, Вилоят Нажафалиев ҳамда Ноил Лугфулин захирада бошқаришди.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Яқин кунларда Малайзияда ёшлар ўртасида Осиё чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади. Маълумки, ушбу нуфузли турнирда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Мутахассислар томонидан совринли ўринларга даъвогарлардан ҳисобланаётган мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси аъзолари сўнгги машғулотларни ўтказишди. Мухими, мамлакатимизнинг бир неча жамоалари билан ўзаро ўртоқлик учрашувда куч синашишди. Биринчи лига вакили шахримизнинг «НВУ-Осиё» жамоаси билан уюштирилган баҳсдан сўнг ёшлар терма жамоасининг Малайзияга йўл оловчи таркиби ҳам аниқланди.

Биз кўп минг сонли муҳлисизга нуфузли турнирда муваффақиятли иштирок этишларини тилаб қоламиз. (Ўз муҳбиримиз)

Жамол, нега мени ташлаб кетдинг? Мени хотиралар, ушалмас орзулар, изтироблар гирдобига фарқ қилиб кетдинг-ку? Баъзан болалигимни эслаган келмайди. Чунки, унинг ҳар бир лаҳзасида сени кўраман. Болалигимнинг беғубор кунлари сен билан ўтган. Уйнаб катта бўлган кўчаларимиз хувиллаб қолган... Болаликдаги беозор дўстлигимиз севгига айланиб гулламай ҳазон бўлишини ким ўйлабди дейсан?

Бағримда олов ёнмоқда. Бу соғинч сени кўриш истаги. Биламан бу ўйлар сароб. Ёлгонч дунёни ташлаб кетганимга анча бўлди. Орамиздаги масофа шунчалик йироқки...

Хозир қалбим йиғлапти, аммо кўзларимда бир томчи ёш йўқ, гўё кўз ёшларим тошга айлангандай. Сенсиз яшайман сендан кўнгил узолмай... Қалбимни бир савол тирнайди: «Менсизлик Сенсизлик» каби оғирми? Охири учрашувимиз ёмғирли кунда маҳалламиздаги мажнунтол тагида бўлиб ўтган эди.

Сабина мен сенинг сўзларингни оғзингдан юлиб олдим.

— Севаман... дедим... Маънос термулдинг, ўша вақтда нималарни ўйладинг экан?

— Эртага хизматга кетаман, лекин негадир кўнглим гап, сени ташлаб кетгим келмайди.

— Унда олиб кет! Сен кетдинг, хатлар овуноғимизга айланди. Тез-тез уйингга чиқардим. Онанг

мени жудаям яхши кўрарди. Хозир ҳам кўриб қолса, бағрига босиб кўз ёш қилади. — Хола, Жамолдан хат келдим? Биринчи галим шу бўларди. Онанг қаршида унга илинж билан термуларканман, андиша отлиғ хаё-ю

— Нима дедингиз? Нега ўлади? Кўз олдим хиралашиб кетгандай бўлди, ерга ўтириб қолдим. Қанча ўтирганимни билмайман. Акамнинг овози узокдан келгандай эшитилди. Ўрнимдан турдим у дарво-

рим ўзимга бўйсунмасди, эшигидан кириб остонангга қадам қўйишни билан аламлик қичқирдан қотиб қолдим.

— Жамол қайердасан болам, сени кўришга Сабина келди, йўлингдан қайт болажоним... Онанг мени бағрига босди айтиб, айтиб йиғлайверди. Негадир ўша дамда бу ёруғ дунёда яшагим ҳам келмай қолди. Сенсиз яшай олмасам керак, деб ўйлардим. Аммо... Ёлгонч дунёнинг ёлгонларига ўзимни ишонтариб яшаб юрибман. Бугун ёмғир эзиб ёғаётган дамда сени кўрсаялман, бизнинг охириги учрашувимиз ёмғирли кунда бўлиб ўтган эди.

Бир ўй юрагимни ёмон эзди. Нега ўшанда сенга ўйиб-тўйиб бокмадим, нега сўзларингни диққат билан эшитмадим. Нега сенсиз яшай олмайдим, деб айтмайдим.

Сен билан беғубор болалигим бирга ўтди, мактаб хоналаридаги парталарни 10 йил ҳамнафас эгалладим. Маҳалламизнинг ҳар бир қарчида сенинг ва менинг ўйинқароқ шўхликларимиз сиймоси муҳрланиб қолган. Сени йўқотганимдан сўнг, сенингдек софдил одамни тополмадим. Балки учратишни хохламагандирман. Сен менинг Биллур Кўзгум эдинг. Доимо мени ўзлимдан кечмасликка ундаб турадиган Дўстим эдинг, хонлик қилмайдиган, аҳдига содиқ, Сен менинг ягона муҳаббатим, армоним ва азобим эдинг такрорланмайдиган.

Сабинанинг сўзларини оққа кўчирувчи Гулчехра ДУРДИЕВА

Ширинчи тоғраҳаларига

ОХИРГИ УЧРАШУВИМИЗ ҲАМОН ЁДИМДА...

Жамол, сени жуда соғиндим! Айниқса бугун. Бағрим эзилиб кетмоқда, сиқилиб кетган юрагим қафасга тушган куш каби потирлайди. Тентираб кўчага чиқдим. Ён атрофдаги одамлар орасидан сенга ўхшаш қиёфани ахтардим. На чехра, на бир нигоҳ ёхуд сенинг овозинга ўхшаш биргина овозни учратмадим, наҳотки бу оламда сенга ўхшаш бирор одам бўлмаса.

иболарни унутиб юборардим. Хатларингнинг ҳар биридан соғинч анқиб турарди. Ўша кун ҳам соғин ва энтиқиш ҳислари ила кунни кеч қилдим. Чунки сендан хат олгандим-да, номаларингни такрор-такрор ўқишни истардим. Орзулар оламидаги сайрим ила ухлаб қолибман.

Азонда эса, юракни ларзага соладиган аламли нидодан чўчиб уйғондим. Фарёдлар сенинг ховлинг томондан келарди. Кўрқиб кетдим, ховлига югуриб чиқдим. Эшик олдида акам сигарет чекиб хомуш ўтирарди.

— Жамол ўлибди,—деди у.

за томон отилдим. Йўлимни акам тўсди.

— Сен бормай қўя қол.

— Акажон, борақолай, илтиқис, дарвозани очинг...

— Кийиниб ол, синфдошларинг келса, бирга борарсан...

Шундагина уй кийимдалигим эсимга тушди. Қулоғимга ҳеч нарса кирмасди. Мен фақат уни кўришни истардим. Миямда биргина савол чарх урарди. Нега? Нима учун? Сен билан хайрлаша олмадим, охириги марта дейдорингни кўрмадим, армон бўлиб қолди. Уч кундан сўнг онам уйингга етаклаб олиб борди. Оёқла-

Вирუსли гепатит касаллиги асосан ифлосланган мева ва सबзавотлар, озиқ-овқат маҳсулотлари орқали юқади. Касаллик вируслари одам организмига тушгач кўпаяди ва бутун танага тарқалади, айниқса жигар ҳужайралари ва бошқа аъзоларини зарарлайди. Ушбу касаллик кўпроқ ёш болаларда учрайди.

Шифокор оғоҳлантйради

ВИРУСЛИ ГЕПАТИТДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Касалликнинг аломатлари бошланмасдан бир неча кун олдин вируслар нажас ва сийдик йўллари орқали ажралиб туради. Касалликнинг бошланishi даврида сарғайишдан олдин айниқса кўп вируслар ажралади. Бу вақтда хасталик зимдан кечаяди ва бемор атрофдагилар учун касаллик тарқатувчи хавфли манба бўлиб қолади. Шу босиб бу вақтда беморни зудлик билан юқумли касалликлар шифохонасига ётқизиш керак.

Касалликнинг сарғайиш даври бошланганда даставвал кўз оқи сарғаяди, айнаи пайтда бемор сийдигининг ранги ўзгаради. Бемордаги дармонсизлик, иштаҳа бузилиши, уйқучанлик ва бошқа аломатлар авжга чиқади.

Вирუსли гепатит ташхиси қўйилган бемор касалхонага ётқизилганидан сўнг унинг кўрпа, тўшаги, чойшаби, идиш-товоғи ва бошқа фойдаланадиган анжомлари албатта зарарсизлан-тирилиши (дезинфекция қилиниши) лозим. Бемор билан яқин мулоқотда бўлиш ёки унинг анжомларидан фойдаланиш касалликнинг кенг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ушбу касаллик билан оғирган беморларнинг даволаниши тўлиқ бўлмаган ҳолатларда ёки нотўғри даволаниш натижасида бемор касалликнинг су-

рункали кўринишига ёки хасталикнинг вирус ташиб юрувчи шаклига ўтиши мумкин. Бу ҳолат атрофдагилар учун ўта хавфлидир. Бемор қанча барвақт аниқланиб касалхонага ётқизилса, жойларда тегишли профилактика тадбирлари ўтказилса, вирусли гепатитнинг олдини олган бўлаемиз. Бу ишда фақатгина тиббиёт ходимлари эмас, балки кенг омма ҳам иштирок этиши мумкин.

Вирუსли гепатитнинг олдини олишда аҳоли кенг оmmasининг озодликка риоя қилиши жуда муҳимдир. Шунинг учун барча хонадонларда, одамлар кўп тўпланадиган жойларда, айниқса озиқ-овқат муассасаларида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиниши зарурдир. Ҳўл мева ва सबзавотларни қайнаган сувда чайиб ейиш, сут ва суни кайна-тиб ичиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, вирусли гепатит касаллигига қарши курашда организм қувватини ошириш ҳамда уни мунтазам чиниқтириб туриш яхши самара беради.

Муқаддас ШОДИЕВА,
Собир Раҳимов туман Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг шифокор эпидемиологи.

Қаққаза

КУНЛАРДАН БИР КУНИ

Кунлардан бир куни Барон Ротшильд Сафирдан оилавий альбомига теша тегмаган гаплардан ёзиб беришини илтимос қилибди. Сафир қаламини олиб, шундай сўзларни битибди: «Менга юз луидор қарз беринг-да, уни мутлақо унутинг!»

Бир куни Бернард Шоуни кўчада велосипедчи туриб юборди. Ҳеч ким шикастланмади. Тўқнашув айбори хижолат чеки, кечирим сўраётган эди, кекса драматург унинг сўзини бўлиб, шундай деди:

— Омадингиз чопмади. Сал дурустроқ жаҳд қилганингизда эди, менинг қотилим сифатида тарихда қолардингиз.

Бир куни дўхтир ҳузурига мижозлардан бири келиб, иштаҳаси йўқлиги, ваҳима, тушкунлик бетиним таъкиб қилаётгани ҳақида шикоят қилибди. Маълум бўлишича, у жамикчи дори-дармон, чора-тадбирларни қўллаб кўрибди, фойдаси бўлмабди.

Дўхтир беморни диққат билан текшириб кўргач, Сўнчкенонинг учтадан ҳақоасини но-нушта, тушлик ва кечки таомдан сўнг ўқийши буюрди.

Қатагон маҳали Зошченко асарлари ман қилинганини эслатган дўхтир азбаройи кижознинг шифо топишини истагани учун калтис иш бўлсада, ўз кутубхонасидан ўша айтилган китобларни топиб беражагини айтди.

— Афсус, — дейди мижоз ҳоргин хўрсиниб, — менга бу нарса фойда қилмайди. Ўша сиз айтган Зошченко менман.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65; факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2812 нусхада босилди. Қўроғ бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Напр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.